

ЖИНСИЙ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТАЙИНЛАНИШИ БҮЙИЧА  
СУД-ТИББИЙ СТАТИСТИК ТАХЛИЛ



**Ибрагимова Чарос Ниёзбоевна - РСТЭИАМ**  
Тошкент вилоят филиали иккинчи тоифали давлат  
суд-тиббий эксперти



**Фазилходжасаева Замирахон Аблакимовна - РСТЭИАМ**  
Тошкент вилоят филиали олий тоифали давлат  
суд-тиббий эксперти



**Махматмуродов Фарҳод Хайдарович - РСТЭИАМ**  
Тошкент вилоят филиали олий тоифали давлат  
суд-тиббий эксперти

**Аннотация.** Ушбу мақолада Республика суд-тиббий экспертиза илмий амалий маркази Тошкент вилоят филиалининг суд-биологик бўлимига 2020-2024 йилларда тақдим қилинган жинсий жиноятлар бўйича маълумотлар ўрганилган.

**Калит сўзлар:** суд-биологик экспертизалар, жинсий жиноятлар, статистика.

**Аннотация.** В данной статье изучены информация о половых преступлениях, представленных в судебно-биологический отдел Ташкентского областного филиала РНПЦМЭ 2020-2024 годах.

**Ключевые слова:** судебно-биологическая экспертиза, половые преступления, статистика.

**Annotation.** This article contains information on sexual crimes submitted to the forensic biology department of the Tashkent regional branch of the Republican Scientific and Practical Center for Forensic Medical Expertise in 2020-2024.

**Key words:** forensic biological examinations, sexual assault, statistics

**Мавзунинг долзарбилиги.**

Жинсий жиноятлар – амалдаги Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра қўйидагилар, яъни номусга тегиш (118-м.), жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (119-м.), бесоқолбозлик (120-м.), аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш (121-м.), ўн олти ёшга тўлмаган шахс б-н

жинсий алоқа қилиш (128-м.) жиноятлари жинсий жиноятлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида мазкур жиноятларни содир этган ҳолатларда жазолашни кўзда тутувчи алоҳида моддаларнинг мавжудлиги ҳам бевосита ушбу ҳодисалар билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни, хусусан суд-биологик экспертизаларнинг ўрни ва аҳамиятидан далолат беради. [1.2.3.]

Жинсий жиноятлар билан боғлиқ ҳолатларда тайинланадиган суд-биологик экспертиза ва текширувлар суд-тиббий экспертиза муассасаларининг фаолиятида муҳим аҳамият қасб этади. Зоро, ушбу экспертизалар умуман олганда жами суд-биологик экспертизаларнинг сонига нисбатан камроқ сонли бўлса ҳам, аммо, улар ўзининг тиббий, ижтимоий, хуқуқий оқибатлари нуқтаи-назаридан ўта муҳим экспертизалар қаторида эътироф этилади.

Жинсий жиноятлар билан боғлиқ ишларни суриштирув, тергов ва суд муҳокамаси жараёнида кўриб чиқишида тайинланадиган суд-биологик экспертизалар ўрни жамиятда жуда ҳам муҳим ҳисобланади. [4.5.6.7.]

#### **Тадқиқот мақсади:**

РСТЭИАМ Тошкент вилояти филиалининг суд-биологик бўлимига суд-тергов идоралари томонидан тайинланган жами суд-биологик экспертизалар, шулардан қанчасини жинсий жиноятлар бўйича экспертизалар ташкил этишини, жинсий жиноятларни шу йиллар давомида камайган ёки кўпайганлигини ўрганиш мақсад қилинди.

#### **Тадқиқот материаллари ва усуллари.**

Текширув материалларини 2020-2024 йилларда Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилоят филиалининг суд-биологик бўлимида суд-тергов идоралари томонидан тақдим этилган қарорлар, баённомалар ҳамда ижро этилган суд-биологик экспертиза хulosаларининг маълумотлари ташкил этди. Олинган натижалар махсус дастур асосида копьютерга киритилди, маълумотлар базаси яратилди ва таҳлил натижаларига статистик ишлов берилди.

#### **Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси.**

РСТЭИАМ Тошкент вилоят филиалининг суд-биологик бўлимига 2020-2024 йилларда суд-тергов идоралари томонидан жами 1213 та суд-биологик экспертизалар тайинланган бўлиб, шулардан жинсий жиноятлар бўйича экспертизалар 432 тани яъни ўртacha 35,6 % ташкил этган.

Шулардан, жами 2020 йилда 290 та, 2021 йилда 248 та, 2022 йилда 237 та, 2023 йилда 215 та, 2024 йилда 223 та суд-биологик экспертизалар тайинланган.

Мазкур суд-биологик экспертизалардан 2020 йилда 99таси, 2021 йилда 90таси, 2022 йилда 64таси, 2023 йилда 91таси, 2024 йилда 88таси жинсий жиноятлар бўйича тайинланган.

Жинсий жиноятлар бўйича тайинланган суд-биологик экспертизалар фоиз ҳисобида 2020 йил 34,1 %ни, 2021 йил 36,2 %ни, 2022 йил 27%ни, 2023 йил 42,3 %ни, 2024 йил 39,4%ни ташкил этган (1-жадвал).

**Суд-тергов идоралари томонидан тайинланган суд-биологик экспертизалар**  
[1-жадвал]

Йиллар	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	Жами
Жами тайинланган суд-биологик экспертизалар сони	<b>290</b>	<b>248</b>	<b>237</b>	<b>215</b>	<b>223</b>	<b>1213</b>
Жинсий жиноятлар бўйича тайинланган экспертизалар сони	<b>99</b>	<b>90</b>	<b>64</b>	<b>91</b>	<b>88</b>	<b>432</b>
%да	<b>34,1</b>	<b>36,2</b>	<b>27</b>	<b>42,3</b>	<b>39,4</b>	<b>35,6</b>

Ушбу жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, жинсий жиноятларни тайинланиши 2020-2024 йиллар давомида кузатилганида 2022 йилда бу каби жиноятлар кескин камайганлигини (27% гача) 2020, 2021, 2024, 2024-йилларда жинсий жиноятлар бўйича экспертизаларнинг тайинланиши 34,1 %дан 42,3 %гача, яъни кам сезиларли даражада ўзгариб туриши кўзга ташланди.

**Хулоса:** Юқорида ўрганилган маълумотларни инобатга олган ҳолда куйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

- РСТЭИАМ Тошкент вилояти филиалининг суд-биологик бўлимига суд-тергов идоралари томонидан тайинланган 2020-2024 йиллардаги жами суд-биологик экспертизалар 1213 тани ташкил этди.
- Мазкур суд-биологик экспертизалардан 35,6%ини, яъни 432 тасини жинсий жиноятлар бўйича экспертизалар ташкил этиши аниқланди.
- Жинсий жиноятларни тайинланиши 2020-2024 йиллар давомида ўрганилганида 2022 йилда бу жиноятлар кескин камайганлигини (27% гача) қолган йилларда 34,1 %дан 42,3 %гача кам сезиларли даражада ўзгариб туриши аниқланди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
2. O‘zbekiston Respublikasi “Sud ekspertizasi to‘g‘risida”gi qonuni. 2010 yil 1 iyun”.
3. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining “Sud-biologik ekspertiza va tekshiruvlarni o‘tkazish qoidalari” to‘g‘risidagi 153-sonli buyrug‘iga 4-ilova. 2012 yil 01 iyun.

4. В.В.Шпак “Судебно-медицинская экспертиза вещественных доказательств биологического происхождения” ГомельГомГМУ2017 й. 32 б.
5. 7. А. А. Ефимова, Е. Н. Савенковой. “Судебная медицина” Москва 2012 й. 336 б.
6. А.К.Туманов“Основы судебно-медицинской экспертизы вещественных доказательств” Москва Медицина, 1975.
7. В.В.Томилин, Л.О. Барсегянц, А.С.Гладких «Судебно-медицинское исследование вещественных доказательств». Москва 1989 й.